


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2019



**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.Бердиалиев, М.Зокиров	
Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик тиллари контактига алоқаси	88
Ш.Турдиматова	
Функционимлар ва уларнинг тил луғат таркибининг макроқурилмалар тизимиға мансуб ҳодисалар билан ўзаро муносабати ҳақида.....	92
М.Эргашев	
Инглиз ва ўзбек тилларида “феълли боғланиш” лисоний категория сифатида	98
Х.Исмоилов	
Суд нутқининг социолингвистик таҳлилига доир	101
ИЛМИЙ АҲБОРОТ	
Г.Тиллабаева	
Биринчи тартибли чизиқли оддий дифференциал тенгламалар учун кўп нуқтали чегаравий масала.....	105
М.Ахмедов, Х.Далиев, М.Онаркулов	
(BIXSB1-X) 2ТЕЗ поликристалл тензосезгир пленкаларнинг электронографик таҳлили	109
М.Хакимов, М.Маматкулов	
Табиий шарбат олиш учун мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган ШҚМ-18 қурилманинг амалдаги намунасини ишлаб чиқиш	112
М.Холиков	
Паразитизмнинг пайдо бўлиши ва оқибатлари	114
Ф.Адилов	
Ўзбекистон ва Озарбайжон халқлари ўртасидаги маданий ҳамкорлик алоқалари (кино ва театр соҳаси мисолида)	116
Т.Тургунбаев	
Кимёвий қуролларнинг яратилиш тарихи, жанговар қўлланилиш тавсифи ва уларнинг инсон организмига таъсири	119
Э.Тажимирзаев	
Фарғона водийси қишлоқларидаги маданий муассасалар фаолияти тарихидан (кино санъати мисолида)	123
Р.Аҳмедова	
Фарғона физиотерапия институтининг ташкил топиш ва фаолияти тарихидан (1923-1950 йиллар) ...	126
В.Ишқуватов	
Ўзбекистонда маҳалланинг моҳияти ва ўзига хослиги	129
К.Пулатов	
XX аср 50-йиллар охири 60-йиллар бошида Ўзбекистонда ижтимоий ва сиёсий ҳаёт (Фарғона водийси мисолида)	132
С.Мўминов, Ш.Мўминов	
Мутолаа маданиятининг лингвокультурологик тамойиллари	135
Б.Жўраева	
«Қорамол» ЛМГи асосида шаклланган ўзбек халқ мақолларининг услубий хусусиятлари	137
М.Назирқулова	
9-синфда Фурқатнинг “Фасли навбаҳор ўлди” ғазали матни устида ишлаш	140
М.Саидакбарова	
Қиссадан ҳиссанинг ғоявий-фалсафий функциялари	144
М.Деҳқонова	
Наим Каримов ижодининг ойбекшунослик тараққиётидаги ўрни	147
Ф.Анварова	
Бошлангич синфларда инглиз тилини тинглаб тушуниш орқали ўқитиш бўйича айрим тавсиялар	151
И.Қирғизов, F.Нажметдинов, А.Исмоилов	
Мусиқий таълимда аждодлар меросидан фойдаланиш амалиёти	154
Ф.Эркабаева	
Замонавий маҳобатли рангтасвир санъатида мусаввир ижодининг нафис чизгилари	156
А.Хасанов	
Ҳарбий таълим факултети талабаларининг ўқув йиғинлари даврида жисмоний машқлар билан шуғулланиш шакллари ҳамда воситаларини аниқлаш	159
ФАНИМИЗ ФИДОИЛАРИ	
Аҳмаджон Қўшақович Ўринов	163
БИБЛИОГРАФИЯ	
Библиография	166

УДК: 371+371.2

9-СИНФДА ФУРҚАТНИНГ “ФАСЛИ НАВБАҲОР ЎЛДИ” ҒАЗАЛИ МАТНИ УСТИДА ИШЛАШ

РАБОТА НАД ТЕКСТОМ ГАЗЕЛИ ФУРКАТА "ФАСЛИ НАВБАҲОР ЎЛДИ" В 9-м КЛАССЕ

WORKING ON TEXT OF GHAZELLE OF FURKAT'S "ФАСЛИ НАВБАҲОР ЎЛДИ" IN THE 9TH FORM

М.Назирқулова

Аннотация

Мақолада Фурқатнинг “Фасли навбаҳор ўлди” газалини ўрганишда қўлланиладиган педагогик технологияларнинг самарадорлиги хусусида фикр юритилган.

Аннотация

В статье рассматривается эффективность педагогических технологий, используемых при изучении газели Фурката «Фасли навбахор улди».

Annotation

The article discusses the effectiveness of pedagogical technologies in the study of Furkat's ghazelle.

Таянч сўз ва иборалар: Фурқат, газал, педагогик технологиялар, тилсум шарлари, кластер, ФСМУ технологияси, “Ким топагон? Ким зукко?” ўйини.

Ключевые слова и выражения: Фурқат, газель, педагогические технологии, языковые шары, кластер, технология ФГМУ, игра «Кто находчив? Кто умен?».

Keywords and expressions: Furqat, ghazelle, pedagogical technologies, language balloons, cluster, FSMU technology, the game of “Who is quick? Who's clever?”

Бугунги кунда энг долзарб муаммолардан бири ёшларимизни мустақил фикрлайдиган шахслар қилиб тарбиялашдир. Бунда, албатта, бадиий адабиётнинг ўрни катта. Бадиий адабиётга бўлган қизиқиши ёшларда мактаб давриданоқ шакллантириш зарур. Бунинг учун мактаб адабий таълимидаги адабиёт дарсларини қизиқарли ташкил этиш учун ўқитувчи янгича ёндашувни ташкил этиш лозим.

Психологларнинг таъкидлашича, ўқув жараёни турли усуллар ёки дидактик ўйинлар асосида ташкил қилинса, берилаётган билимлар узоқ вақт ўқувчиларнинг ёдида сақланади. Чунки бундай дарслар тескари алоқа тамойиллари асосида амалга оширилади. Бу жараёнда ўқитувчи ўқувчиларнинг фикрларини тинглаб, уларнинг билимларини бойитади ва бу билимлар ўқувчиларнинг ўзларига яна қайтариб берилади. Бундай дарсларнинг афзаллиги, уларда назария ва амалиётнинг уйғунликда олиб борилишидадир. Улар бир бутунлик ҳосил қилмас экан, адабий таълимнинг туб мақсадида узилиш юз береб, ўқувчиди адабий материални ўзлаштиришга бўлган иштиёқ бирмунча сўниб қолади. Ана шу нокулайликларнинг олдини олиш

мақсадида дарс жараёнларига янгича педагогик технологияларни жорий қилиш ва улардан самарали фойдаланиб бориш талаб этилади.

Амалдаги дастурларга кўра, умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчилари учун чоп этилган адабиёт дарслигига Фурқат ва унинг ғазалларини ўрганишга 2 соат ажратилган. Бу вақт ичидаги адабиётнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида мухтасар маълумот берилади. Бунда ўқитувчи “Тилсум шарлари” усулидан фойдаланиши мумкин. Мазкур усул шартига кўра қуйида берилган шарлардаги маълумот ва саналардан Фурқат ҳаёти ва ижодий фаолиятига оидлари аниқланади. (1-илова) Агар шарт тўғри бажарилса, шарлар остидан бугунги мавзу номи келиб чиқади. (2-илова)

Бу усул ўқувчилар дарсни қайдаражада ўзлаштирганликларини билиш ҳамда дарсдаги фаолликларини аниқлаш учун самарали методлардан бири ҳисобланади. Шу билан бир қаторда янги дарс мавзуси ноанъанавий усулда ўқувчиларга ҳавола этилади.

Бугунги дарс мавзуси проэктор орқали

М.Назирқулова – Фарғона шаҳар 23-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.

ИЛМИЙ АХБОРОТ


намойиш этилади ва ғазал матни ифодали үқиб берилади. Сүнгра ўқувчиларга ғазалдаги образларни аниқлаш топшириғи

берилади. Бунда “Кластер” методидан фойдаланилади. (3-илова)

1-илова



2-илова



3-илова

Ғазал образларига тавсиф

№	Фасллар билан бөглиқ образлар	Күшлар билан бөглиқ образлар	Гүллар билан бөглиқ образлар	Табиат ҳодисалари билан бөглиқ образлар
1.	бақор	бүлбүл	наргиз	момақалдироқ
2.	қишлоқ	құмри	ёсуман	чакмоқ
3.				
4.				

Мутахассислар бирор мавзуу бүйича кластер түзишни ҳали мавзуни мукаммал үрганненесден олдин амалға оширилса, яхши самара берішини таъкидлайдылар.

Кластер түзиш кетма-кетлеги қуйидеги тартибда бўлади:

1. Синф ёзув тахтасига ёки ёзув тахтаси ўртасидаги катта қофоз вараққа мавзуу ёки “калит сүз” ёхуд “калит бирикма” ёзилади.

2. Ўқувчиларга бу мавзуга оид тушунчаларни ифодаловчи сўзлар ёзиш топшириғи берилади.

3. Мавзуға оид тушунчалар ва ғоялар ўртасида ўзаро боғланиш бўлиши лозимлиги таъкидланади.

Галдаги вазифа сифатида ФСМУ технологияси асосида гуруҳларга алоҳида алоҳида саволлар берилади.

1-гурухга Мазкур ғазал мавзуни аниқланг?



2-гурухга Ғазал матни билан танишиш орқали Фурқатнинг табиат мавзусига мурожаати тўғрисида фикр юритинг?

3-гурух. Мазкур ғазалнинг охирги байтида жамият ҳаётига оид фикр илгари сурилган деган фикрга муносабатингизни билдиринг?

Ўқувчиликнинг жавоблари тинглангач, ўқитувчи томонидан уларнинг фикрлари умумлаштирилади. Ўқув жараёнида бундай усууллардан фойдаланиш, дарс самарадорлигини ошириш билан бирга ўқувчиликнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини ҳам ўстиради.

“Ким топағон? Ким зукко?” ўйини ўтказилади. Бунда ғазал матни ёзилган А4 ҳажмдаги қофоз гуруҳларга тарқатилади. Ўқувчиликнинг ғазал байтларида қўлланган бадиий санъатларни гуруҳлар топадилар.

Фасли навбаҳор ўлди, кетибон зимиstonлар,
Дўстлар, ғаниматдур, сайр этинг гулиstonлар.

Субҳидам тушуб шабнам бўлди сабзалар хуррам
Гул уза томиб кам-кам ёғди абри найсонлар

Настарон юваб юзни , ёсуман тузиб ўзни,
Наргиз очибон кўзни интизори ёронлар.

Бир саҳар эдим уйғоқ; ўт тутошти оламға,
Тоғлар чекиб ларза, титради биёбонлар.

Қумрилар қилиб ку-ку, булбул айлабон чаҳ-чаҳ
Сарв гул уза доим тортар оҳ-у афғонлар.

Булбул ўқуғоч йиғлаб субҳидам хазон фаслин,
Ғунча қон ютуб, юз чок этти гул гирибонлар.

Кечтилар вафо аҳли қолмайин тутиб савсан,
Кийди кўк қилиб сунбул зулфини паришонлар.

Куймасун бу савдода не учун димогимким,
Ранж-у ғуссада доно, кечса шод нодонлар.

Жавобларни текширамиз:

1-Байт. Тазод: зимиston- навбаҳор

2-Байт. Таносуб: субҳ, шабнам, сабза, гул

3- Байт. Таносуб: настарон, ёсуман, нарзиз

Жонлантириш: настароннинг юз ювиши

ИЛМИЙ АХБОРОТ

4- Байт. Ташбек: момақалдироқ ва чақмоқ-биёбонларни титраши ва оламга ўт туташига ўхшатимоқда

5- Байт. Таносуб: булбул, қумри; сарв, гул

6- Байт. Ташбек: ғунчанинг қизиллиги ва очилиши- қон ютиб, ёқасин 100 чок қилишга ўхшатилмоқда

7- Байт. Ташбек: сунбул- кўк кийиб аъза тутган образга қиёсланмоқда

8- Байт. Тазод: ранж-у ғуссса-шод; доно-нодон

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, юқорида таълим жараёнига тадбиқ этиш юзасидан тавсиялар берилган инновацион технологиялар ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини ўстиришга, мустақил фикр юритишларига амалий ёрдам беради ҳамда таълим самарадорлигини ошишига имкон яратади.

Адабиётлар:

1. Гоноболин Ф.Н. Психология. –Т.: Ўқитувчи, 1976.
2. Йўлдошев Ў. Педагогика схема ва жадвалларда. –Т., 2015.
3. Тожибоев Р. 11-синфда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодини ўрганишда кластер усулидан фойдаланиш. – Т., 2008.
4. Йўлдошев Қ., Қодиров В., Йўлдошбеков Ж. Адабиёт. 9-синф учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон, 2019.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори).